



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Рахматиллаев Азизбек Рахматилло ўғли

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги
академияси магистратураси тингловчиси, подполкоқник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20636228>

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш замонавий давлат бошқарувининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт тизимининг барқарор фаолиятини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Мазкур соҳада давлат бошқаруви ҳуқуқий тартибга солиш, назорат, профилактика ва ваколатли субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали амалга оширилиб, ички ишлар органлари унинг асосий институционал субъекти сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш замонавий давлат бошқарувининг муҳим таркибий йўналишларидан бири бўлиб, у жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, транспорт инфратузилмасининг барқарор ишлашини ташкил этиш каби устувор вазифалар билан бевосита боғлиқдир. Давлат бошқаруви назарияси нуқтаи назаридан мазкур соҳа ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ваколатли субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш ва назорат механизмларини амалга ошириш орқали намоён бўлади¹. Шу жиҳатдан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолият, балки комплекс ташкилий-ҳуқуқий бошқарув тизими сифатида баҳоланади.

Мазкур соҳада давлат бошқарувининг ўзига хослиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий тартибга солиш, маъмурий назорат, профилактика, рақамли мониторинг ва жамоатчилик билан ҳамкорлик каби бир нечта функционал йўналишларни қамраб олади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш жараёнида давлат органлари, айниқса ички ишлар органлари, транспорт соҳасидаги ваколатли тузилмалар ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги мувофиқлаштирилган фаолият муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мазкур параграфда давлат бошқарувининг мазмуни, унинг ҳуқуқий табиати ва йўл ҳаракати

¹ Деҳқонов Ш. Давлат бошқаруви тизимидаги ислохотлар халқ манфаатларига хизмат қилиши керак // Strategy of Uzbekistan. 2020. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/davlat-bosh-aruvi-tizimidagi-islo-otlar-hal-manfaatlariga-hizmat-ilishi-kerak> (мувожадат санаси: 01.12.2025).



хавфсизлиги соҳасида намоён бўлиш хусусиятларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

Давлат бошқаруви ҳуқуқий давлат фаолиятининг энг муҳим ташкилий-амалий шаклларида бири бўлиб, у жамият ҳаётининг турли соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ижро этувчи таъсир чораларини таъминлашга қаратилган ваколатли субъектлар фаолиятини ифодалайди. Давлат бошқаруви мазмунан давлатнинг ижро этувчи-фармойиш берувчи функцияларини амалга ошириш жараёни бўлиб, у муайян соҳада ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш орқали намоён бўлади². Шу маънода давлат бошқаруви фақат маъмурий таъсир эмас, балки ҳуқуқий, ташкилий, профилактик ва мувофиқлаштирувчи механизмларни ўзида мужассам этган комплекс фаолият ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида давлат бошқарувида нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Ю.М. Козлов давлат бошқарувини ижро этувчи ҳокимиятнинг амалий ифодаси сифатида баҳолаб, уни давлат функцияларини бевосита рўёбга чиқарувчи ташкилий-ҳуқуқий таъсир шакли деб таърифлайди. Унинг фикрича, давлат бошқарувининг асосий белгиси — бу давлат номидан ваколатли органлар томонидан мажбурий кучга эга қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлашдан иборат³. Шунингдек, Л.Л. Попов давлат бошқарувини давлат аппаратининг кундалик амалий фаолияти сифатида изоҳлаб, унинг асосий вазифаси ижтимоий жараёнларни тартибга солиш ва барқарор ривожланишни таъминлашдан иборатлигини таъкидлайди⁴.

Ўзбек ҳуқуқшунослигида ҳам давлат бошқарувида ҳуқуқий ва ташкилий жараён сифатида ёндашилади. Хусусан, давлат бошқаруви ижро этувчи ҳокимият органлари орқали қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш, тегишли соҳаларда давлат сиёсати ижросини таъминлаш ҳамда жамоат манфаатларини муҳофаза қилишга

² Истоилов Н.Т., Мухамедов Ў.Х., Турсунов А.С. ва бошқ. Маъмурий ҳуқуқ: дарслик / Ш.Т. Икрамов, И.А. Хамедов таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 486.

³ Козлов Ю.М. Административное право / авторы: Ю.М. Козлов, Д.М. Овсянко, Л.Л. Попов; под редакцией Л.Л. Попова; допущено Министерством образования РФ в качестве учебника для студентов вузов, обучающихся по специальности "Юриспруденция"; Министерство образования РФ, Московская государственная юридическая академия. : Юрист, 2002. — С. 521.

⁴ Попов, Л. Л. Административное право Российской Федерации : учебник для бакалавров / Л. Л. Попов ; ответственный редактор Л. Л. Попов. — 3-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2013. — 447 с. — (Высшее образование). — ISBN 978-5-9916-2438-1. — Текст : электронный // Образовательная платформа Юрайт [сайт]. — URL: <https://urait.ru/bcode/372237> (мурожаат санаси: 07.12.2025).



қаратилган тизимли фаолият сифатида баҳоланади⁵. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, давлат бошқаруви фақат бошқарув қарорини қабул қилиш билан чекланмайди, балки унинг ташкилий таъминланиши, назорати, мониторинги ва натижадорлигини баҳолаш жараёнларини ҳам қамраб олади.

Давлат бошқаруви ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра норматив тартибга солишга таянади, яъни ҳар қандай бошқарув ҳаракати қонунчиликда белгиланган ваколат, тартиб ва процедура асосида амалга оширилади. Ташкилий жиҳатдан эса у иерархик тизим, функционал ваколат тақсимооти, мувофиқлаштириш ва назорат механизмлари орқали амал қилади⁶. Шу боис давлат бошқаруви муайян соҳада давлатнинг амалий иштирокини таъминловчи ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳаси давлат бошқарувининг алоҳида объекти сифатида эътироф этилади, чунки мазкур соҳа бевосита инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш, йўл инфратузилмасидан хавфсиз фойдаланиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш каби муҳим ижтимоий вазифалар билан боғлиқдир. Давлат бошқаруви назарияси нуқтаи назаридан бошқарув объекти сифатида муайян соҳанинг тан олиниши, аввало, ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солиш, ваколатли субъектлар иштирокини ташкил этиш, мажбурий қоидалар белгилаш ва назорат механизмларини қўллаш зарурати билан белгиланади⁷. Шу маънода йўл ҳаракати муносабатлари ўз табиатига кўра эркин бозор ёки фақат шахсий ихтиёрга қолдирилиши мумкин бўлган соҳа эмас, балки давлат томонидан доимий тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий хавф манбаи ҳисобланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигининг давлат бошқаруви объекти сифатидаги ўзига хослиги шундаки, бу соҳада ҳар бир иштирокчининг ҳаракати бошқа шахслар хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатади. Автотранспорт воситалари юқори хавф манбаи сифатида ҳуқуқий адабиётларда алоҳида қайд этилади ва улардан фойдаланиш махсус қоидалар, чекловлар ҳамда

⁵ Махкамов Н.Т. Натижавий бошқарув давлат ривожланишининг асосий омили сифатида // Academic research in educational sciences. 2021. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/natizhaviy-bosh-aruv-davlat-rivozhlanishining-asosiy-omili-sifatida> (мурожаат санаси: 07.12.2025).

⁶ Истоилов Н.Т., Мухамедов Ў.Х., Турсунов А.С. ва бошқ. Маъмурий ҳуқуқ: дарслик / Ш.Т. Икрамов, И.А. Хамедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 488.

⁷ Мирзокаримов С.С. Давлат бошқаруви органлари: моҳият ва компетенция // Давлат бошқаруви тизимининг замонавий муаммолари ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тўплами. – Т., 2024. – Б. 764-767.



мажбурий талаблар асосида амалга оширилади⁸. Шу сабабли йўл ҳаракати соҳасида ҳуқуқий тартибни таъминлаш, ҳаракат иштирокчилари интизомини шакллантириш ва хавфли ҳолатларни барвақт бартараф этиш давлат бошқарувининг доимий вазифасига айланади. Бу ерда давлатнинг иштирокисиз ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш амалда мумкин эмас, чунки йўл инфратузилмаси, транспорт оқими, техник стандартлар, ҳаракат қоидалари ва назорат тизими ягона бошқарув маркази орқали мувофиқлаштирилиши талаб этилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги жамоат хавфсизлигининг таркибий қисми сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки йўл-транспорт ҳодисалари нафақат алоҳида шахсларга, балки кенг жамоатчилик манфаатларига ҳам жиддий зарар етказди: инсон қурбонлари, жароҳатланишлар, транспорт оқимининг издан чиқиши, иқтисодий йўқотишлар ва ижтимоий хавф даражасининг ошиши шулар жумласидандир. Шу нуқтаи назардан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг умумий жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг амалий ижросида ички ишлар органлари марказий ўрин эгаллайди.

Жахон соғлиқни сақлаш такилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда тахминан 1,19 миллион нафар инсон йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлади, бу эса мазкур соҳада давлат аралашувининг фақат ҳуқуқий эмас, балки ижтимоий зарурат эканини кўрсатади⁹. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат аралашуви профилактика, назорат, маъмурий таъсир, рақамли мониторинг ва хавф таҳлили каби бир нечта йўналишда бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши талаб этилади. Бундай комплекс ёндашув эса мазкур соҳани давлат бошқарувининг доимий ва махсус объекти сифатида баҳолаш учун етарли асос бўлади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви кўп субъектли институционал тизим асосида амалга оширилади. Бу тизимнинг асосий хусусияти шундаки, мазкур соҳада хавфсизликни таъминлаш биргина орган ваколоти доирасида эмас, балки турли давлат органлари, маҳаллий бошқарув тузилмалари ва махсус ваколатли хизматлар ўртасидаги мувофиқлаштирилган фаолият орқали таъминланади. Давлат бошқаруви назарияси нуқтаи назаридан бундай соҳаларда субъектлар ваколатининг

⁸ Аллаяров Н.У. Фуқароларга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан қўлланиладиган маъмурий таъсир чораларининг моҳияти ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2007 йил 12 декабрь), 2007. – Б. 385–387.

⁹ Road traffic injuries. URL: https://www.who.int/health-topics/road-safety#tab=tab_1.



аниқ тақсимланиши, функционал ҳамкорлик ва ягона бошқарув сиёсати мавжуд бўлиши самарадорликнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Мазкур институционал тизимда марказий ўринни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–348-сонли “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эгаллайди, чунки мазкур орган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи асосий ваколатли субъект сифатида белгиланган. Зеро, айнан ушбу вазирлик зиммасига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат иштирокчилари интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган маъмурий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ асосий ваколатлар юклатилган. Шу билан бирга, вазирлик тизимида фаолият юритувчи Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мазкур соҳада махсус ваколатли ихтисослашган тузилма сифатида йўл ҳаракатини тартибга солиш, транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳайдовчиларнинг белгиланган талабларга риоя этишини назорат қилиш, автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимларидан фойдаланиш, шунингдек профилактик ва тушунтириш ишларини ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳам иштироки муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ҳудудий ҳокимликлар йўл инфратузилмасини ривожлантириш, хавфли участкаларни бартараф этиш, йўл белгилари, светофор объектлари ва муҳандислик хавфсизлиги воситаларини жойлаштириш, шунингдек ҳудудий профилактика дастурларини амалга оширишда иштирок этади¹¹. Чунки йўл ҳаракати хавфсизлиги фақат назорат эмас, балки муҳандислик ва ҳудудий бошқарув масаласи ҳам ҳисобланади.

Транспорт соҳасидаги ваколатли органлар ҳам мазкур бошқарув тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Хусусан, автомобиль йўллари, жамоат транспорти, техник эксплуатация ва транспорт коммуникациялари билан боғлиқ давлат тузилмалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 10.04.2013 йилдаги ЎРҚ-348-сон. URL: <https://lex.uz/ru/docs/2153411>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг, 6-моддаси, 10.04.2013 йилдаги ЎРҚ-348-сон. URL: <https://lex.uz/ru/docs/2153411>.



техник ва ташкилий асосларини шакллантиради. Йўл сифати, йўл белгилари, транспорт оқимини режалаштириш, йўловчи ташиш қоидалари ва техник стандартлар ушбу органлар иштирокисиз самарали таъминланмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви кўп субъектли ва комплекс тизим асосида амалга оширилади. Ушбу тизимда ички ишлар органлари марказий ўринни эгаллаган ҳолда, назорат, профилактика ва ҳуқуқий таъсир чораларини амалга оширади. Шу билан бирга, йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, рақамли мониторинг механизмларини кенгайтириш ва давлат органлари ўртасидаги институционал ҳамкорликни кучайтириш мазкур соҳада бошқарув самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.